

УЮШМА ЭРКИНЛИГИ ХУҚУҚИ ИЛҒОР АМАЛИЁТ: АСОСИЙ ҲОЛАТЛАР

Норасмий таржима; UNSR мазмуни текширилмаган
Unofficial translation; content not verified by the UNSR



Биз уюшма сифатида рўйхатдан ўтишимиз мажбурийми?

Йўқ

Уюшма эркинлиги ҳуқуқи рўйхатдан ўтган ва рўйхатдан ўтмаган бирлашмаларни бирдек ҳимоя қилади. Рўйхатдан ўтмаган бирлашма вакиллари фаолиятининг ҳар қандай қонуний турларини эркин амалга ошириш имкониятига, шунингдек йиғилишлар ўтказиш ва уларда иштирок этиш ҳуқуқига эга бўлишлари, шу билан бирга жиноий таъқиб остига олинмасликлари керак ([A/HRC/20/27](#), 14-бет, 56-банд).

Уюшма эркинлиги ҳуқуқи менга нисбатан қўлланилиши мумкинми?

Ҳа

Сизнинг кимлигингиз аҳамиятга эга эмас. Фуқаролар ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги Халқаро пактнинг [22-моддаси барчанинг бирлашма эркинлик ҳуқуқини тан олади](#). Ушбу Пактнинг 2-моддасида (қаранг: 2-модда таҳқирлаш ва чекловларсиз) ва Инсон ҳуқуқлари кенгашининг [15/21](#)-, [21/16](#)- ва [24/5](#)-қарорларида кўзда тутилган. Кенгаш ўзининг [24/5](#)-қарорида давлатлар мажбуриятларига "Уюшма эркинлигини ва барча инсонларни Интернетда ҳам, реал ҳаётда ҳам, шунингдек, ушбу ҳуқуқларни амалга ошириш ёки уларни тараққий эттиришга қаратилган ҳар қандай озчилик вакиллариининг фикр ва мулоҳазаларини ҳурмат қилиши ҳамда ҳимоя қилиши"ни киритилганини эслатиб ўтди ([A/HRC/26/29](#), 9-бет, 22-банд). Қонунийлик ҳеч ким учун, шундан болаларга, хоржий фуқароларга, озчиликни ташкил этувчи этник ёки тил эгаларига, ногиронлар, аёллар ва бошқалар учун қандийдир аниқ чекловлар ўрнатмаслиги керак ([A/HRC/20/27](#), 14-бет, 54-банд; [A/HRC/26/29](#), 6-7-бетлар, 18-банд). Уюшма эркинлиги ҳуқуқи алоҳида-алоҳида қилиб олинган (масалан, бирлашмоқчи бўлган иккита уюшма) юридик шахсларга ҳам жорий этилади.

Уюшма ҳуқуқини амалга оширишда давлат бирор бир кўмак беришга мажбурийми?

Ҳа

Давлат бирлашмалар фаолиятини яхшилаш учун шарт-шароитларни яратиш ва уларни қўллаб-қувватлашда ижобий чораларни қабул қилиш учун мажбурийдир. Бирлашма вакиллари таҳдид, пўписалар ва мажбурлашлардан бемалол ҳадиксирасмай, шунингдек, таъқиб, юридик расмиятларига тегишли бўлган жазоларни назоратсиз жазолашлар ёки ўзбошимчилик билан ҳибсга олиш, ушлаб туриш, қийнаш, бўҳтонлар уюштириш, кўчишни ман этиш кабилардан қўрқмасдан ўзларининг уюшма эркинлиги ҳуқуқларини амалга ошириш имкониятига эга бўлишлари керак ([A/HRC/20/27](#), 15-16-бет, 63-банд). Давлат, шунингдек, уюшма эркинлиги ҳуқуқини амалга оширишда асоссиз тўсқинлик қилмаслиги керак. Уюшма вакиллари давлат аралашувисиз, бирлашма тузилиши, фаолияти ва бирлашма низомини эркин белгилаш имконига эга бўлишлари керак. Бирлашмалар ўз фикрларини билдириш, ахборотларни тарқатиш, ўз ишларига жамиятни жалб этиш ҳуқуқига эгалар. Ҳукумат ҳамда инсон ҳуқуқлари халқаро ташкилотлари олдида ўз ҳуқуқларини талаб қилиш ва ҳимоя қилиш каби ҳуқуқлардан фойдаланишлари керак ([A/HRC/20/27](#), 16-бет, 64-банд).

Агар мен юридик шахс бўлишни истасам, рўйхатдан ўтишни талаб қилишлари мумкинми?

Ҳа

У ёки бу шаклдаги шахсий эгалиги бўлган бирлашма ташкил этилганда рўйхатдан ўтишни талаб этиш қонунга мувофиқдир. Лекин ҳукумат амалдорлари аниқ дамда виждонан ўз вақтида ва ажратмасдан (танламасдан) иш олиб боришлари мумҳимдир. Махсус ҳисоботчи оддий, содда ва осон тадбирларни илғор амалиётга киритади. Шунингдек, бу тадбирлар мумкин қадар бепул ва тез фурсатда ўтказилади ([A/HRC/20/27](#), 14-бет, 57-банд; [A/HRC/RES/22/6](#)). Рўйхатдан ўтиш жараёни худди имтиҳон топширишдек ўтилмаслиги керак. Хусусан, бирлашмаларни ташкил этишда руҳсат олиш тартибидек эмас, балки билдириш, хабар беришдек иш тутилиши керак ([A/HRC/20/27](#), 21-бет, 95-банд). Бирлашманинг асосчилари ҳукуматга ташкилотни тузилганлиги ҳақида хабар беришлари жараёнида уюшма автоматик равишда юридик шахс мақомини олади. Бунда уюшма ташкил этилмасидан олдин, уни ташкил этилиши ҳақидаги билдиришлар ёки хабар беришлар бўлмаслиги керак ([A/HRC/20/27](#), 15-бет, 58-банд). Қайта қабул қилинган қонунлар рўйхатдан ўтган бирлашмаларни қайта рўйхатдан ўтишларини талаб қилмасликлари керак ([A/HRC/20/27](#), 15-бет, 62-банд).

Ҳокимият органи менинг аризамни белгиланмаган муддатга қолдиришлари ёки менга хабар бермасдан уни рад этишлари мумкинми?

Йўқ

Рўйхатдан ўтказувчи ташкилотлар кечиктирмай иш кўришлари керак, қонуний эса тақдим этилган ҳужжатлар бўйича хулосалар қабул қилиш учун қисқа муддат ўрнатилиши керак. Ҳужжатлар тегишли ташкилотларга топширилгач, бирлашманинг қонуний иш олиб бормаётганлиги исботлангунга қадар, бирлашма қонун асосида фаолият юритяпти, деб ҳисобланиши лозим. Агар аниқ белгиланган қисқа муддат ичида тегишли ташкилотлар хулосаларни тақдим этмасалар, бирлашма қонуний фаолиятини юритяпти, деб топилади ([A/HRC/20/27](#), 15-бет, 60-банд). Тақдим этилган ҳужжатлар ёки аризалар бўйича ҳар қандай рад этиш хулосалари аниқ далиллар билан асосланган бўлиб, ўз вақтида аризага ёзма равишда етказилиши лозим. Ҳужжатлари рад этилган бирлашмалар ҳолис судда хулоса юзасидан мустақил баҳслашиш ва хулосага эътироз билдириш имконига эга бўлишлари керак ([A/HRC/20/27](#), 15-бет, 61-банд).

Давлат жамоат бирлашмалари ва савдо-сотик бирлашмаларига бир хилда муносабатда бўлишга мажбурийми?

Ҳа

Давлат фуқаролик жамиятлари ташкилотларини ортиқча қаттиқ текширувлар, расмий маросимлар билан, уларга уларнинг вазифасига кирмайдиган бошқа талабларни қўйиш билан савдо-сотик бирлашмаларини ортиқча юклаб қўйиш (оғирлик тушиши) ёки номутаносиб чекловлар қўйишдан ўзини тортиши керак ([A/HRC/23/39](#), 8-бет, 24-банд). Масалан, бирлашманинг рўйхатдан ўтказилиши коммерция корхоналарига нисбатан айтарли даражада мураккаб ва машаққатли бўлмаслиги керак. ([A/HRC/26/29/Add.2](#), 14-15-бетлар, 56-58-бандлар).

Бирлашма нима?

«Бирлашма» («уюшма») – jisмоний ва/ёки юридик шахсларни уюшиб, бирор бир соҳада умумманфаатдорлик йўлида иш олиб боришлари, уни ифодалашлари, ривожлантиришлари ва шу манфаатларини ҳимоя қилишлари мақсадида бир гуруҳга тўпланганликларини англатади ([A/HRC/20/27](#), 13-бет, 51-банд). Айрим оммалашган бирлашмалар турлари фуқаролик жамияти ташкилотлари, клублар, кооперативлар, НПО, диний бирлашмалар, сиёсий партиялар, касаба уюшмалари, жамғармалар, "онлайн" тартибда фаолият юритувчи бирлашмаларни ўз ичига олади ([A/HRC/20/27](#), 13-бет, 52-банд).

Уюшма эркинлиги ҳуқуқи нима?

Оддий сўз билан ифодалганда, уюшма эркинлиги ҳуқуқи маслақдошлар гуруҳини ташкил этиш ёки шу гуруҳга кириш ва умумманфаатларни кўзлаб иш тутувчиларнинг ҳуқуқларини ҳимоя қилади. Гуруҳлар расмий ва норасмий бўлиши мумкин, уюшма эркинлиги ҳуқуқи уларни ҳимоя қилиши учун бирлашмалар рўйхатдан ўтказилган бўлиши шарт эмас ([A/HRC/20/27](#), 14-бет, 56-банд). Бирлашмани ташкил этиш учун иккита шахс етарли бўлади ([A/HRC/20/27](#), 14-бет, 54-банд).

Нима учун уюшма эркинлиги ҳуқуқи бундай аҳамиятга эга?

Уюшма эркинлиги ҳуқуқи – биз эга бўлган инсон ҳуқуқларининг муҳим таркибий қисмларидан бири. Дўстона йиғилишлар қаторида уюшма эркинлиги ҳуқуқи умумий эзгулик йўлида бирлашувчи ва иш олиб борувчи шахсларга имконият яратиб берувчи сифатида инсон ҳуқуқларининг асосийларидан бири ҳисобланади. Бу кўпгина фуқаровий, маданий, иқтисодий, сиёсий ва ижтимоий ҳуқуқларни амалга оширувчи воситадир ([A/HRC/20/27](#), 5-бет, 12-банд). Уюшма эркинлиги ҳуқуқи, самарали демократик тизимларни вужудга келиши ва мавжудлигида аҳамияти ўрин эгаллайди. Норозилар озчиликни ташкил этганида, уларнинг фикрларини ҳурмат қилиб, мажбурий эмас, ишонтириш йўли билан диалог, плюрализм, толерантлик, келишувчилик, муросазлик таъминловчи восита бўла олади ([A/HRC/20/27](#), 20-бет, 84-банд).

Дўстона йиғилишлар ва уюшмалар эркинлиги ҳуқуқи бўйича махсус БМТ нинг махсус маърузачиси Майна Киан (2014 йил, ноябрда нашр этилган)

<http://www.freeassembly.net> • <https://www.facebook.com/mainakiai> • https://twitter.com/MainaKiai_UNSR • <https://www.flickr.com/photos/mainakiai> • ОНЧР расмий сайти

Уюшма эркинлиги ҳуқуқига захиралардан фойдаланиш имконияти қирадимми?

Ҳа

Бирлашмаларнинг мамлакат, хориж ва халқаро захиралардан манбалар қидириш, олиш имконияти уюшма эркинлигининг ажралмас ва муҳим ҳуқуқларидан бири ҳисобланади ([А/ҲСР/20/27](#), 17-бет, 67-банд; [А/ҲСР/23/39](#), 4-бет, 8-банд). “Захира” атамаси кенг тушунчага эга бўлиб, пул маблағлари жўнатмалари, пул маблағлари шаклида бўлмаган ҳадялар, моддий захиралар, кишилик захиралари ва бошқаларни ўз ичига қамраб олади ([А/ҲСР/23/39](#), 5-бет, 10-банд). Мамлакат ёки халқаро молиялаштириш учун ҳукумат рухсати талаб этилмаслиги лозим ([А/ҲСР/20/27](#), 17-бет, 68-банд). Рўйхатдан ўтмаган бирлашмалар худди рўйхатдан ўтган бирлашмалар каби молиялаштириш ва бошқа захираларни мамлакат, хориж ва халқаро юридик шахслардан эркин қидириши ва олиш ҳуқуқига эга бўлишлари керак ([А/ҲСР/20/27](#), 17-бет, 68-банд). Демократик жамият ва Махсус маърузачи ҳамкорлигида тайёрланган “[Фуқароларни ҳимоя қилиш умумий тамойиллари ва захираларга кириш ҳуқуқлари](#)” дан янада кенгроқ маълумотни топиш мумкин.

Уюшма эркинлиги ҳуқуқи Интернетда ҳам амал қиладимми?


Ҳа

Давлат уюшма эркинлигини Интернетда ҳам, реал ҳаётда ҳам ҳамма томонлама ҳимоясини таъминлашга ва ҳурмат қилишга мажбур ([Инсон ҳуқуқлари Кенгашининг 24/5-қарорлари](#)). Интернет, хусусан, ижтимоий тармоқ ва бошқа ахборот-алоқа технологиялари реал ҳаётда уюшма эркинлиги ҳуқуқларини амалга оширишда муҳим восита бўла олади. Кишилар ўз фикрларини ифодалаш мақсадида Интернетда йиғилишиб, виртуал майдонда бирлашиш ҳуқуқига эгалар ([Инсон ҳуқуқлари Кенгашининг 21/16-қарори](#)). Барча давлатлар кишиларни Интернетга хоҳлаган вақтда, шунингдек, сиёсий беқарорлик даврида ҳам киришларини таъминлашга мажбурлар ([А/ҲСР/17/27](#), 79-банд). Интернет-алоқасининг ҳар қандай блокировкаси (фаолияти тўхтатилиши) ваколатли суд томонидан ёки сиёсий, коммерция ёхуд ножиоз, тақиқланган таъсирлардан холи ташкилотлар томонидан қабул қилиниши керак ([Ўша жойда](#)).

Ҳукумат бирлашмаларнинг ички ишларига аралашши мумкинми?

Йўқ

Фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар ҳақидаги Пактнинг 17-моддасида келтирилганидек, ҳукумат бирлашмаларнинг ички ишларига аралашмасликлари ва уларнинг [шахсий фаолияти дахлсизлиги ҳуқуқини ҳурмат қилишга мажбур](#) ([А/ҲСР/20/27](#), 16-бет, 65-банд). Ҳукумат бирлашмалар учун қарор чиқариш ва уларнинг фаолиятини белгилаб бериш; бошқарма аъзолари сайловларини бекор қилиш; ҳукумат вакиллари иштирокидагина бошқарма аъзолари қарорлари қонуний деб топилиши каби қандайдир шартларни қўйиш; бирлашмалардан тадбир маърузаларини нашр этганга қадар тақдим этишларини талаб этиш; тадбирлар ўтказилиш режасини тақдим этиш ва уни тасдиқлаштириш талаб этиш ҳуқуқига эга эмас ([Ўша жойда](#)). Мустақил ташкилотлар бирлашмаларнинг ҳисобга олиш ҳужжатларини шаффофлигини ва ҳисобдорлигини таъминлаш механизми сифатида текшириш ҳуқуқига эга. Лекин бундай жараёнлар ўзбошимчалик билан ўтказилмай, бирлашмаларнинг шахсий ҳаётига дахлсизлик ҳуқуқини ва ҳақ-ҳуқуқларини камситилишига йўл қўймаслик ҳуқуқларини ҳурмат қилган ҳолда ўтказилади.



Асосий халқаро ҳужжатлар

[фуқаровий ва сиёсий ҳуқуқлар халқаро Пактнинг 22-моддаси:](#)

1. Ҳар бир киши бошқа бирлашмалар билан биргаликда ўз манфаатларини ҳимоя қилиш мақсадида қасаба уюшмаси тузиш ва шунга ўхшаш бирлашмаларга аъзо бўлиш ҳуқуқига ҳақли.
2. Бу ҳуқуқдан фойдаланиш ҳеч қандай чекланишларга эга эмас, қонунда кўзда тутилган ва демократик жамият учун зарур бўлган давлат ёки жамият хавфсизлиги, ижтимоий тартиблар, соғлиқни сақлаш, аҳоли ахлоқи ва ҳуқуқини ҳимоя қилиш мақсадидаги чекловлар бундан мустасно. Қуролли кучлар ва милиция ходимлари томонидан киритиладиган қонуний чекловларга ушбу модда тўқтинлик қилмайди.

Шунингдек, қаранг:

- [Иқтисодий, ижтимоий ва маданий ҳуқуқлар ҳақидаги Халқаро пакт:](#) 8-модда
- [Инсон ҳуқуқлари умумий декларацияси:](#) 20-модда
- [Ирқий камситишларнинг барча турларига барҳам бериш ҳақидаги халқаро Конвенция:](#) 5(х)-модда
- [Бола ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция:](#) 15-модда
- [Ногиронлар ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция:](#) 29-модда
- [Ҳуқуқ ҳимоячилари ҳақидаги Декларация:](#) 5-модда
- [Халқаро меҳнат ташкилоти Конвенцияси:](#) [№_87](#), [№_98](#), [№_135](#)

Негизги аймақтық қўжаттар:

- [Африка инсон ва халқлар ҳуқуқлари Хартияси:](#) 10-модда
- [Бола фаровонлиги ва ҳуқуқи Африка хартияси:](#) 8-модда
- [Американинг инсон ҳуқуқи ва мажбуриятлари Декларацияси:](#) 22-модда
- [Американинг инсон ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция:](#) 16-модда
- [Европанинг инсон ҳуқуқлари тўғрисида Конвенция:](#) 11-модда
- [Европа Иттифоқи инсон ҳуқуқлари ҳақидаги асосий ҳуқуқлар Хартияси:](#) 12-модда

Жинойтга қарши курашиш мақсадида уюшма эркинлиги ҳуқуқини чеклаш қонуний ҳисобланадимми?

Йўқ

Қаллоблик, пул маблағларини ўзлаштириш, ноқонуний пулларини сарфлаш ишлари ва бошқа жиноий ишларга қарши курашиш давлат томонидан қонуний манфаати йўлида амалга оширилади, лекин қонуний манфаатлар ўз-ўзидан етарли асос ҳисобланмайди. Чекловлар қонунчилик асосида ва демократик жамиятда “зарурий” ҳисобланганда ўрнатилиши керак. Бундай чекловлар Ҳимоя мақсадида мос равишда бўлиши ва албатта кўзланган мақсадга эришиш йўлида энг кам чекланган восита бўлиши шарт ([А/ҲСР/23/39](#), 8-бет, 23-банд; [МППП](#), 12-модда).

Сайловлар даврида ҳукумат уюшма эркинлиги ҳуқуқига тегишли алоҳида чекловлар киритиши мумкинми?

Йўқ

Ҳар бир мамлакатда сайловлар даври демократик тамойилларни тасдиқлаш ва уларни янада мустаҳкамлаш учун қулай фурсат ҳисобланади. Сайловлар даврида айнан чекловлар киритиш одатдагидан юқорида бўлиши керак ([А/68/299](#), 10-бет, 25-банд). Агар уюшма эркинлиги ҳуқуқи чегараланса, ҳақиқий сайловларга эришиб бўлмайди ([А/68/299](#), 20-бет, 56-банд). Ҳукумат қўллаб-қувватлайдими ёки йўқми, бундан қатъи назар бирлашмалар сайловлар жараёнига боғлиқ фаолиятларини олиб боришда эркин бўлишлари керак ([А/68/299](#), 17-бет, 46-банд).

Бирлашма ҳисобдорликда мажбуриятларга риоя этмаганида ёки қонуннинг майда бузилишларига йўл қўйганда тарқатиб юборилиши ёки фаолиятининг тўхтатиб қўйилиши мумкинми?

Йўқ

Агар бирлашма ҳисобдорликда ўзининг мажбуриятларини бажармаса, бундай қонуннинг майда бузилишларида бирлашма тарқатиб юборилмайди ва унинг вакили жиноий жавобгарликка тортилмайди, аниқроғи бирлашмадан тезроқ бундай вазиятни тўғрирала талаб этилади ([А/ҲСР/23/39](#), 12-бет, 38-банд). Миллий қонунчиликни қўпол бузилиши тўғрисида тўғри хавфи ва яққол кузатилганда бирлашма тарқатиб юборилиши ёки фаолиятининг тўхтатиб қўйилиши мумкин. Бундай чоралар Инсон ҳуқуқлари соҳасида халқаро меъёрларга мувофиқ ҳолда олиб борилиши керак. Шунингдек, бу чоралар қонуний мақсадлар доирасида бўлиши ва қачонки анча енгилроқ чораларни қўллашнинг ўзи камлик қилгандагина қўлланиши керак ([А/ҲСР/20/27](#), 18-бет, 75-банд). Бундан ташқари, бундай кескин чораларни фақатгина мустақил ва холис суд томонидан қабул қилиниши мумкин ([А/ҲСР/20/27](#), 18-бет, 76-банд).

Уюшмада менинг ҳуқуқларим бузилганида, мен натижали ҳуқуқий ҳимояга ҳақлиманми?

Ҳа

Давлат барчанинг фойдаланиш имконига эга бўлган мурожаатлар, аризалар ва шикоятларни тезкор ҳамда самарали кўриб чиқиш механизмини яратишга мажбур, бунда уюшмалар юридик шахс сифатида унумли фойдаланиш ҳуқуқига эга ([А/ҲСР/20/27](#), 19-бет, 77-банд). Жорий чекловлар табиий ҳуқуқларга ва уюшманинг фаолият ҳуқуқларига дахл қилмаслиги лозим, чекловлар адолатли, холис ва шаффофлик хусусиятига эга бўлиши керак. Бунда уюшма барча ҳуқуқлардан эркин фойдаланиш имкониятига эга бўлади. ([А/ҲСР/20/27](#), 19-бет, 81-банд).